

ХУНАРМАНДЧИЛИКДА КАШТАЧИЛИКНИНГ АМАЛИЙ САНЪАТ СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

Нурулло Турсунов Нарзуллаевич

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети

“Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси доценти,

тарих фанлари доктори

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада қадимдан ўзбек миллий каштачилиги амалий санъатнинг анъанавий усуллари, уларнинг халқимизнинг ўз турмушини маиший-маънавий эстетик жиҳатларига тўхтаб ўтилган.

Калит сўзлар: хунармандчилик, санъат, каштачилик, мато.

ABSTRACT

This article discusses the traditional methods of applied art of the Uzbek national embroidery since ancient times, their everyday and spiritual and aesthetic aspects of the life of our people.

Key words: craft, art, embroidery, fabric.

КИРИШ

Қадимдан ўзбек миллий каштачилиги амалий санъатнинг анъанавий усулларида бўлиб, у халқимизнинг ўз турмушини маиший-маънавий эстетик жиҳатдан бойитиш истаги натижасида юзага келган. Каштачилик санъати нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда ҳам ўз ўринга эга ҳисобланади. Миллий хунарманд усталар томонидан қўлда тикилган *кирпеч, сўзана, зардевор, гулкўрна, чойшаб* каби йирик кашталар нафақат хорижий давлатларда, балки республикамизнинг бир қатор музейларида доимий экспозициясига айланишган. Қолаверса, ҳозирги кунгача каштачилик буюмлари ўзига хос гўзаллик нафис безакларининг ранг-баранглиги билан кишиларни ҳайратга солиб келмоқда. Матога кашта тикиш, каштачилик, каштадўзлик, бадий каштачилик амалий санъатнинг тури сифатида узоқ ўтмишга эгалигини археологик топилмалар ва ёзма манбалар ҳам тасдиқлайди.

Халқимиз томонидан миллий каштадўзлик амалий санъати ўз турмуш тарзини фаровон қилиш истаги натижасида юзага келган. Каштадўзлик маҳсулотларини тайёрлаш ва даврлар ўтиши билан ишлаб чиқариш биринчи навбатда маҳаллий аҳолининг иқтисодий ва маданий-маиший талаб, эҳтиёжларини қондириш(истеъмол)га қаратилганлиги билан характерланади.

Этнология соҳасида тадқиқот олиб боришнинг ёзма манбаларни ўрганиш, халқ оғзаки ижоди, археологик маълумотлар, қиёсий тилшунослик, статистик

метод, дала тадқиқотлари усулларида кенг фойдаланиб келинмоқда¹. Ушбу методлар этнология соҳасида ўзига хос тарзда олиб борилаётган тадқиқотлар доирасида, жумладан, ўзбек миллий ҳунармандчилиги тарихига оид этнологик изланишларда ҳам манбавий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу соҳада *семантика* (семантика – юнонча *semanyikos* – ифодалаш, яъни семиотика (белгилаш)нинг бир қисми) методи муҳим ўрин тутиб, унга кўра, ҳар бир буюм ўзининг ифодавий маъносига эга бўлади. Семиотика рамзий мазмунга эга белгилар ҳақидаги фан сифатида XX асрда шаклланган. Ушбу назарий қоидалар, тадқиқот усуллари дастлаб америкалик файласуф Чарльз Пирс² ва швейцариялик тилшунос Фердинанд де Соссюр³ асарларида бир вақтнинг ўзида, аммо алоҳида мустақил равишда ривожланган. Семиология шартли равишда қабул қилинган воситалар ёрдамида инсон ўз фикрини изҳор этмоқчи бўлганида юз берадиган жараёнларни ўрганади⁴.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Француз этнологи К. Леви-Строс ҳам семиотиканинг асосий тушунчаларидан бири “код” атамасини муомалага киритиб, унинг рамзий мазмуни инсон дунёқараши билан боғлиқлиги кўрсатган⁵. Код деганда маданият факти (далили)нинг унга хос бўлган рамзий мазмуни билан алоқаси ва дунёқараш билан боғлиқлиги тушунилади. Масалан, воҳада ҳунармандчилик билан боғлиқ урф-одатларга кўра, шогирднинг устозига белбоғ боғлаши ва ўз навбатида устозининг ҳам шогирдига усталикни давом эттириши учун белбоғ боғлаши, совчилик жараёнларида келин томон куёвга розилик аломати сифатида кашта буюмларидан солиб юбориш одатлари ўзига хос код вазифасини бажарган. Семантика назариясига кўра, буюмларнинг туб моҳиятини ифодаловчи ва унинг намоён бўлишини кўрсатувчи белги ўзига хос хусусият касб этиб, рамзга айланади. Демак бундан кўриниб турибдики, ҳар бир кашталанган буюм бу ерда код вазифасини бажарган.

Этнология фанида семантик-семиотик ёндашув буюмларнинг туб моҳияти ташқаридан ўша “манбаларга” (расм-русум, фольклор, мифология, тил, адаб-ахлоқ) даҳл қилинган пайтдагина намоён бўлиши мумкинлигини кўрсатиб, буюмга кириб боргач, у белгига хос хусусият касб этади, яъни рамзга айланади.

¹ Садохин А.П. Этнология. - Москва: Академия, 2000. - С. 140.

² Пирс Ч.С. Избранные философские произведения. – М., 2000.

³ Каранг: Соссюр Ф. Де. (Ferdinand de Saussure). Труды по языкознанию. – М., 1977.

⁴ Бадью А. Манифест философии. – СПб.: Mashina, 2003. – С. 17.

⁵ Леви-Строс К. Структурная антропология / Пер. с фр. – М.: Наука, 1985. – 536 с.; Ўша муаллиф. Структура и форма. – Семиотика. – Москва, 1983. – С. 400-428; Ўша муаллиф. Первобытное мышление. – М., 1994. – 384 с.

Маданиятшунослик фанида семантика методининг культурологик (маданиятшунослик) тамойили муҳим ўрин тутиб, унга кўра, ҳар бир буюмга ўзининг маъносини беради ва шунга мувофиқ уларнинг шаклий “тасаввури”га ҳам эга бўлади. Хусусан, айнан ҳар бир каштадўзлик буюмларининг турли этник анъаналарда номутаносиб шаклларга эга бўлиши ҳам мумкин. Ва бу ҳар бир ҳунармандчилик соҳаси буюмларнинг у ёки бу хоссаларини семантизация (ифода) этган маданиятнинг муайян танловини кўрсатади.

Шунингдек, семиотик ёндашувнинг муҳим қисмларидан яна бири оппозиция (муҳолифлик) назарияси ҳисобланади. К. Леви – Строс таъкидланидек, дихотомия мифологик (афсонавий) тафаккурга хос бўлиб, унда тимсоллар кенг қўлланилиб, уларни дунё ва инсонга эришишнинг усулига айлантиради. Бунда афсонанинг мантиқи, ижтимоий муносабатларнинг мантиқи каби икки хил (бинар) муҳолифлик асосига қурилган⁶. Масалан, нақшларнинг юқори –қуйи, кун – тун, ўнг – чап, эр – хотин, ер – осмон ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин. Турли миллатларнинг урф-одат, маросим ва байрамлари муайян рамзлар, тимсолларда акс этиши ва муайян мақсадга эга эканлиги кўпчиликка маълум, аммо уларни семиотик таҳлил қилиш XX асрда илмий-ташкилий жиҳатдан йўлга қўйилди. Айтиб ўтиш мумкинки, этносемиотик тадқиқотлар бу даврда бир неча йўналиш бўйича жадал ривожланди.

Универсаллашув, яхлитлашув жараёнлари кечаётган ҳозирги даврда меҳроқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, бағрикенглик ва тотувлик каби миллий қадриятларни сақлаш, уларни келажак авлодларга етказиш зарур. Бу эса, ўзбек этносемиотикаси билан боғлиқ турли тимсоллар ва белгиларни тадқиқ этишни тақозо этади.

Халқимининг этносемиотикасининг ўзига хос хусусиятларини билиш учун, аввало, этносемиотика фанининг мазмуни, асосий йўналишлари, мақсади ва вазифалари хусусида фикр юритиш, мақсадга мувофиқ. Айни пайтда, семиотиканинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини чуқурроқ билиш ҳам этносемиотиканинг мазмуни ва функционал тавсифини аниқлашни тақозо этади. Зеро, бу муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўтмишдан халқимиз урф-одатлари, хатти-ҳаракатлари ҳам семиотик белгилар бўлиб, улар объектга ахборот етказувчи тизимлардир. Бинобарин, миллий урф-одатлар, бирор миллат ё элатга хос маросимлар ҳам муайян мазмунга эга бўлган, маълум маънони берадиган “ахборот воситалари”дир.

⁶Леви- Строс К. Структурная антропология. – Москва, 1983.

Миллий тарбия, миллий муҳит шароитида шаклланган одам учун улар табиий, баъзан мажбурий характерга эга бўлади.

Тарихдан яхши маълумки, анъана, расм-русумлар, урф-одатлар вақт ўтган сари ўзгаришларга учраб боради. Айримлари нуқтилади, янгилари пайдо бўлади. Бу жараёнда ҳаётий муҳим эҳтиёж ва манфаатларнинг ривожланиб бориши муҳим ўрин тутди. Аммо, шундай бўлса-да, турли ташқи белгилар орқали ички туйғу, фикрларни ифода этиш зарурати ҳеч қачон йўқолмайди. Маълумки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, урф-одатлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишига аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлади.

Ҳар бир халқнинг ҳунармандчилик тарихини ўрганишда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётида иштирок этувчи, нафақат даромад даражаси, балки даромад манбаи, ҳаёт тарзи, қадриятлар тизими, ҳуқ-атвор услуби ва мотивлари билан фарқланадиган инсонлар гуруҳи ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган ҳодиса ва жараёнларни ҳам ёритиш лозим⁷.

Кўплаб халқларда тўқувчилик ҳунармандчилиги (каштадўзлик) модернизацияси жамият тараққиёти давомида урбанизациялашувнинг кучайишига (шаҳарларнинг мавқеини ошиши), жумладан, мустақиллик йилларида каштадўз-ҳунармандлар учун турар жой ва устахона-дўконларининг яратиб берилиши, ҳунармандчилик маҳсулотларини қўлда тайёрлаш, техника тараққиёти ва саноатлашувнинг юзага келиши (индустриализация), совет даврида ўрганилаётган ҳудуд фабрикаларида гиламчилик, дўппидўзлик, мато ишлаб чиқариш ва кулолчилик буюмларининг машина-станокларда тайёрланиши кабилар кузатилади⁸.

Мамлакатлар ўртасида саноатнинг ривожланиши натижасида *модернизация* тушунчаси жамиятни назарий методологик тадқиқ этишда ишлатилади ва бу ғоя эволюционизм ва функционализм таъсирида вужудга келган. Дастлабки модернизация дастурлари XX аср ўрталарида Европа мустамлакачилик империясининг инқирози натижасида Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги мамлакатларга АҚШ ва Европа олим ҳамда сиёсатчилари томонидан коммунистик ривожланиш йўлига қарама-қарши жамиятнинг ривожланиш йўли сифатида тақдим этилган. Унда модернизация бозор қонуниятларига асосланган иқтисодиётни ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган жараён сифатида ифодаланган. *Модернизация* (французча *moderisatio*, *moderne* – янги, замонавий) – жамиятни замонавий

⁷ Давлатова С.Т. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида... – Б.19-20.

⁸ Давлатова С.Т. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида.. – Б.18.

талабларига мувофиқ такомиллаштириш мақсадида хилма хил ўзгаришларни амалга оширишдан иборат ижтимоий-тарихий жараёни ифодаловчи тушунчадир⁹.

Этнология фанида модернизация назарияси жаҳон ижтимоий тараққиёти билан бирга доимий эволюцион ривожланишдаги таълимот ҳисобланади. Ушбу назариянинг шаклланишида У.Ростоунинг “Иқтисодий ўсиш босқичлари” асари ва Т.Парсонс, Э.Шилза каби олимларнинг изланишлари назарий асос бўлиб хизмат қилган.

Модернизация назарияси жаҳон ижтимоий-иқтисодий тараққиётида эволюцион ривожланишдаги таълимот ҳисобланади. Ҳунармандчилик модернизацияси ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, у давлат, жамият ҳаётининг маънавий-маданий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларини қамраб олади¹⁰.

Модернизация ҳунармандчиликка оид ислохотларнинг интенсивлиги, яъни анъана ва замонавийлашган қадриятларнинг қоришуви билан боғлиқ. Чунки, модернизация анъаналарни инкор қилмайди, балки улар асосида олиб борилади. Жумладан, бозор шароитида каштачиликдаги ўзгаришлар кашта буюмларида янги элемент, дизайн, янги турлар, янгича кўриниш, ҳолат ва шаклларда намоён бўлиши билан бирга талаб, истеъмол, буюртма учун ишлаб чиқариш кичик бизнес ва тадбиркорлик, бозор туризми ҳолатида ҳам юзага келмоқда. Бу ҳолат Ўзбекистонда мустақиллик йилларидаги “ўзбек модели”нинг чуқур илмий асосга эгаллиги ҳамда ҳунармандчиликка доир ислохотларнинг концептуал ва амалий жиҳатдан тўғрилигини исботлайди.

Трансформация ёки модернизацияни келтириб чиқарадиган, ҳаётни таъминловчи маданият тараққиётининг тадрижий ривожига таъсир этадиган асосий омиллардан бири – глобаллашув ҳисобланади. Глобаллашув – (глобал. лотинча - умумбашарий, кенг миқёсдаги, жаҳоншумул, жаҳон аҳамиятига молик); жаҳондаги мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳада ўзаро яқинлашуви, бирлашуви; воқеа-ҳодисаларнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб, умуминсоний миқёсга эга бўлиши, бутун ер шарини қамраб олиши демакдир.

XXI асрда глобаллашув жараёнлари сабабли ҳунармандчилик буюмларида ғарблашиш (вестернизация) сезила бошлайди. Бу иқтисодий, ижтимоий жараёнларда каштачилик буюмлари модернизациялашган бўлса-да, уларда

⁹ Фалсафа энциклопедик луғат. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – Б.197-198.

¹⁰ Давлатова С.Т. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида.. – Б.18.

халқнинг дунёқараши, эстетикаси, этник ўзига хослиги ва хўжалик анъаналарини акс эттирган анъанавий элементлар сақланган¹¹.

ХУЛОСА

Ҳар бир халқда анъанавий каштанинг моддий, семантик ва эстетик жиҳатдан таҳлил қилиниши натижасида, олинган билимлар унинг методологик асосига хизмат қилади. Хусусан, амалий санъатга антропологик ёндашув ижтимоий жараёнларда объектларни ташкил этиш билан ажралиб туради. Шунингдек, жамиятда объектнинг шакли ва вазифаларини таҳлил қилади, кенг аспектларда улар ўртасидаги муносабатларни ўрганади.

Хулоса қилиб айтганда, этнографик дала тадқиқотларини тадқиқ этар эканмиз, аввало уни ўрганишда назарий-услубий жиҳатларига таянган ҳолда илмий хулосалар қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Қолаверса, анъанавий ҳунармандчилик турларидан бўлган каштадўзликнинг ўтмишда ва бугунги кунда ривожланиши аҳолининг хўжалик фаолияти, уй интерьерини жиҳозлаш ҳамда эстетик диднинг ошиб бориши муҳим ўрин тутди.

REFERENCES

1. Садохин А.П. Этнология. - Москва: Академия, 2000. - С. 140.
2. Пирс Ч.С. Избранные философские произведения. – М., 2000.
3. Қаранг: Соссюр Ф. Де. (Ferdinand de Saussure). Труды по языкознанию. – М., 1977.
4. Бадью А. Манифест философии. – Спб.: Mashina, 2003. – С. 17.
5. Леви- Строс К. Структурная антропология / Пер. с фр. – М.: Наука, 1985. – 536 с.; Ўша муаллиф. Структура и форма. – Семиотика. – Москва, 1983. – С. 400-428; Ўша муаллиф. Первобытное мышление. – М., 1994.– 384 с.
6. Леви- Строс К. Структурная антропология. – Москва, 1983.
7. Давлатова С.Т. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида... – Б.19-20.
8. Давлатова С.Т. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида.. – Б.18.
9. Фалсафа энциклопедик луғат. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – Б.197-198.
10. Давлатова С.Т. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида.. – Б.18.
11. Кармышева Б.Х. Ткачество и прядение у населения южных районов Таджикистана и Узбекистана (XIX – начало XX вв.) // Проблемы типологии в этнографии. – М., 1979. – С. 252.

¹¹ Кармышева Б.Х. Ткачество и прядение у населения южных районов Таджикистана и Узбекистана (XIX – начало XX вв.) // Проблемы типологии в этнографии. – М., 1979. – С. 252.